Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 24 июнь № 132 (3407) Пайшанба

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Давлат ташрифимни якунлаб, мамлакатингизни тарк этар эканман, Сиз Жаноби олийлари ва мамлакатингиз ҳукуматига самимий миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Мамлакатингизга давлат ташрифи давомида менга ва менинг ҳамкасбларимга Сиз Жаноби олийлари ва ҳукуматингиз томонидан илиқ ва самимий меҳмоннавозлик кўрсатилди. Бу эса биз учун Ўзбекистон халқининг Хитой халқига дўстона муносабатларига яна бир бор чуқур комил ишонч ҳосил қилишга имкон берди. Сафар чоғида Сиз Жаноби олийлари билан олиб борган самарали музокараларда икки томонлама муносабатлар масалалари билан бир қаторда муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан чуқур фикр алмашилди ва кенг қамровли масалалар бўйича умумий тушунчага эришилди. Биз Хитой ва Ўзбекистон ўртасида Қўшма декларация имзоладик. Унда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликдаги шериклик муносабатларини ривожлантиришга оид қарор қайд этилди, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари белгиланди.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик кун сайин мустаҳкамланишига, кўп қиррали ҳамкорлигимиз истиқболи кенгаяверишига ишончим комил.

Сиз Жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ ва ҳар томонлама фаровонлик, дўст Ўзбекистонга тараққиёт ва кучқудрат, унинг халқига эса бахт-саодат тилайман!

**Хитой Халқ Республикаси Раиси**
**Ху ЦЗИНЬТАО**

2004 йил 18 июнь.

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## ШҲТ — хавфсизликнинг муҳим воситаси

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) саммитида кўтарилган масалалар сиёсий ва жамоат арбоблари, шарҳловчилар ва журналистлар эътиборини тортишда давом этмоқда. Учрашувда замонамиз таҳдидларига қарши кураш вазифалари муҳокама қилингани алоҳида таъкидланмоқда. Россиялик таҳлилчилар ва экспертларнинг аксарияти ШҲТ бугунги кунда коллектив хавфсизликнинг муҳим воситасига айланди, деган якдил фикрни билдиришмоқда.

"ШҲТ минтақавий ҳамкорлик асосида барпо этилган халқаро ташкилотдир, — дейди НАТО бош котибининг сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари Гюнтер Альтенбург. — Минтақа мамлакатлари умумий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида минтақавий ҳамкорлик тамойилига содиқ қолишлари керак. НАТО ва ШҲТ ўртасида илиқ муносабатлар шаклланаяпти. Ушбу ташкилот аъзоларининг аксарияти билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида шериклик муносабатлари ўрнатилган, Хитой билан ҳам алоқаларимиз ижобий. Бинобарин, ШҲТнинг истиқболдаги фаолиятидан самарали натижалар кутиш мумкин".

(Давоми 3-бетда).

## *Оролбўйида туризм ривожланади*

**Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашида Оролбўйи ҳудудида халқаро туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Х. Абдураҳмонов минтақада туризмни ривожлантириш имкониятлари ҳақида сўзлаб берди.**

**Анжуманда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакили Х. Барри Лейн жаноблари сўзга чиқди.**

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Оқ чашма ижодкори

*Ҳозирга келиб мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора кенг қамров касб этмоқда. Диёримизда азалдан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик равнақ топганлиги бунинг бир омили бўлса, миришкор ҳамюртларимиз давлатимиз томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганлиги иккинчи омилидир.*

*Янгийўл туманидаги «Жамол ота» фермер хўжалигида бугунги кунда 215 бош қорамол парваришланмоқда. Шундан 76 таси соғин сигирлардир.*

*— Ишни қорамоллар зотини яхшилашдан бошлаганимиз ҳозирга келиб яхши самара бермоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Аъзамхўжа Жамолов. — Ҳар чоракда бир ярим миллион сўмдан ошириб фойда олаяпмиз. Бунинг ҳисобига эса хўжалик негизида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очиш тадориги кўрилмоқда.*

**СУРАТДА: фермер хўжалиги сут соғувчиси Гулчеҳра Ҳасанова.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Маърифат соати*

***Қани энди, қуёшдек бўлсанг. Нур сочаверсанг. Ойдек нурни қуёшдан олсанг... барибир, буям яхши. Тун — оқшомлари кўзларни, кўнгилларни сирли шуълалар билан ёритганга не етсин!***

***Қуёш бу — меҳр.***
***Ой бу — мурувват.***

## Эзгулик фалсафаси

Гап қуёшнинг, ойнинг тилини тушунишда. Уларни тушуниш эса, аслида, жуда осон. Ахир, ёғдунинг тилини, нурнинг забонини тушунишнинг нимаси қийин?! Ва... нимаси ёмон? Бу тилни ўз вақтида Огаҳий ҳазратлари ҳаммадан ҳам теран тушунган эди. Шунинг учун ҳам у шоҳни қуёшдан ибрат олишга чақирган эди:

***Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмони яхшини,***
***Ким, Меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.***

Вайрон бўлиш эса ёмон. Жуда ёмон. Ҳазрат Навоий ёзган эди:

***Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,***
***Жон, бас-э, қилдим фидо, ороми жоне топмадим.***

Ҳазрат зоҳирий меҳр ҳақида эмас, одамни ичдан тозартирадиган, ботиний жозиба ҳақида гапиряпти. Ана шу қудратни топмаганидан ўкиняпти. Навоийдек на бойликдан, на иззат-эҳтиромдан Аллоҳ қисмаган бир одам «топмадим», дея кўзда тутаётган мўъжизани мухтасар қилиб кўнгил деб аташ мумкин. Шоир ана шу кўнгилларни топмоқчи, ўз кўнглини уларга армуғон қилмоқчи. Бироқ оммавий бир кўнгилсизлик юз бераётганлиги сабабли, бир «меҳрибон» тарзида ифодаланаётган ана шу кўнгилларни топмаганлигидан фарёд чекмоқда... «Оммавий қирғин қуроллари» деган атама мавжуд. Ялпи кўнгилсизликлар қирғин қуролларининг энг даҳшатли туридир. Тўғри, бу қурол одамларни жисман маҳв этмайди, бироқ инсонни инсон қилиб турган маънавиятни завол топтириб, уни ўзлигидан мосуво қилади, роботлаштиради. Абдулла Ориповнинг таъбири билан айтганда, «юлдузларнинг ҳидини билмайдиган», «йиғлаган гўдакни юпата олмайдиган» бир аҳволга солади, забун қилади. Шунинг учун ҳам бемеҳрлик иллатининг дастлабки аломатлари кўзга чалиниши билан бонг уриш керак. Унинг жаранги ҳазрат Навоий умид этган ботиний меҳрнинг ўзи янглиғ ички бир тарзда янграб, муттасиллик касб этса, юрак уриши сингари бир умр давом этадиган жараёнга айланса, нур устига нур.

Одам қорнига эмас, қадрига йиғлайди.

Чунки одамнинг қорнини тўйғизиш қийин эмас. Меҳнат қилса, насибасига яраша ризқ топади. Кўнгилни тўйдириш қийин. Бир қарашда-ку бу ҳам осон, бироқ садағанг кетай бу кўнгил деганни тўйдириш учун аввал уни... топиш керак...

Ҳеч эсимдан чиқмайди, дўстларимдан бирининг фарзанди бемор бўлиб қолганида, уни касалхонага ётқизишди. Шифокорлар дардни чекинтирса ҳам, фарзанднинг ғами ҳадеганда тисарилавермади. Унинг юзи ҳамон тунд, қовоғи солиқ, руҳи эзгин эди. Отаси нури дийдасидан «Бунча қисинасан, ўғлим, ахир яхши бўляпсан-ку, яна нима керак сенга?» деб сўраганида, бола «Дадажон, шифокорлардан илтимос қилинг, менга бир оғиз яхши гап айтсинлар» дея илтижо қилибди. Кўряпсизки, табиблар фарзанднинг дардига даво топганлар, бироқ унинг кўнглини топа олмаганлар.

Борингки, ҳамма-ҳамманинг кўнглини топиш қийин. Лекин шуни унутмаслик керакки, ҳеч кимнинг кўнглини оғритишга ҳаққимиз йўқ. Одамларга яхшилик қилиш одамларга ёмонлик қилмасликдан бошланади. Модомики оғриётган экан, кўнгил мавҳум тушунча эмас, мавжуд ҳодиса. Муайян бир мўъжизадир.

Бизлар даволаб, бинолар қуриб, шеърлар ёзиб, кашфиётлар қилиб, ҳосиллар етиштириб, конлар очиб, хуллас, барча эзгу ишларни қилаётиб, асосан, бир муҳим вазифани адо этамиз: одамларнинг кўнглини топамиз.

«Ҳамма йўллар Римга элтади», деган экан қадимги италияликлар. Мен бошқача айтгим келади: Ҳамма йўллар фақат бир манзилга — одамларнинг кўнглига элтади. Бошқа барча йўллар ҳалокатлидир. Бир-бирини тополмаган кўнгиллар бир-бирларига қараб ўқ узадилар. Афсуски, бундай ўқлар аксар ҳолларда адашмайди. Шунинг учун ҳам биз айтилган сўз — отилган ўқ деймиз. У мўлжалга, яъни инсон кўнглига бориб тегмагунча ўзининг даҳшатли парвозидан тинмайди.

Ёвуз сўзнинг қанотлари толмас бўлади. Бироқ қўрқманг. Ноумид бўлмасангиз, дунёдаги барча қузғунларнинг қанотларидаги қудратни бахт қушларининг қанотларига олиб бериш мумкин. Бу илоҳий мусодара бизнинг иродамиз билан содир бўлади.

Келинг, яхшиси, Меҳр йўлини меҳр абадиятига, мурувват мангулигига айлантирайлик. Бу ишнинг уддасидан чиқса бўлади. Фақат чин кўнгилдан исташ керак. Биз исташимиз керак. Бугун ёки бу йил эмас, ҳамма вақт исташимиз керак. «Ҳамма вақт» аслида абадиятдир.

(Давоми 2-бетда).



Парламент назорати

***Кеча республика Таълим марказида Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

## Таълим сифати таҳлил қилинди

Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг умумтаълим мактабларини дарсликлар, қўлланмалар, ўқув-услубий, бадиий ва бошқа адабиётлар билан таъминлашга доир қисмининг Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳамда Бухоро вилоятида ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди.

Йиғилишда ушбу Миллий дастур ва Қонуннинг ижросини таъминлаш юзасидан вазирлик тизимида ва вилоятда муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Хусусан, вазирлик томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 390-сонли қарори билан тасдиқланган давлат таълим стандартларига асосан белгиланган ўқув фанлари бўйича умумий ўрта таълим мактаблари учун 2001-2005 йилларда чоп этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг истиқбол нашр режаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқув адабиётларини жаҳон андозалари даражасида чоп этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бухоро вилоятида 2000 йилдан буён ҳар ойда «Мактаблар куни» ўтказиб келинмоқда. Ўтган тўрт йил давомида оталиқ ташкилотлар томонидан ўрта мактаблар кутубхоналарига 12,6 миллион сўмлик дарслик ва бадиий адабиётлар олиб берилди. 529 та мактаб кутубхонаси таъмирланди, 56 та мактабда эса қўшимча қироатхоналар ташкил этилди.

Қонун ижроси борасида камчилик ва муаммолар ҳам борлиги маълум бўлди. Масалан, мактабларнинг юқори синфларида дарсликлар таъминотида узилиш мавжуд. Вилоят ўрта мактабларида ўқув кўргазмали қуролларга эҳтиёж катта, борлари эса давлат таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бермайди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Адлия вазирлигида

Хабарингиз бор, жорий йил охирида мамлакатимизда маҳаллий кенгашларга ва қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтади. Бу тадбир халқимиз ҳаётида ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалардан ҳисобланади.

Модомики, шундай экан, сайловларда иштирок этишни мўлжаллаётган сиёсий партиялар ўзларига берилган имкониятлардан қандай фойдаланмоқдалар? Умуман, уларнинг бугунги фаолияти кенг жамоатчилик эътиборидами? Борди-ю, аксинча бўлса, бу борадаги муаммоларга оқилона ечим топиш учун нималар қилиш керак?

Кеча Адлия вазирлигида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: сиёсий партияларнинг тутган ўрни ва роли" мавзусида бўлиб ўтган семинарда ана шу масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Анжуман Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилди. Шунга мувофиқ, унда парламент қўмиталари раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, Конституциявий, Олий суд ва Олий хўжалик суди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, олимлар, жамоат бирлашмалари фаоллари ҳамда барча партиялар етакчилари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Семинарда мамлакатимиз сайлов қонунчилигида халқаро андозалар қай даражада акс этгани, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятидаги, янги парламентга сайловлардаги, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги ўрни ва ролига бағишланган маърузалар тингланди. Сўнгра юртимизда мавжуд сиёсий партиялар раҳбарлари ва вакиллари сўзга чиқиб, бўлажак сайловларда фаол қатнашиш ва уларни уюшқоқлик билан ўтказиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Унда танқидий фикрлар ҳам ўртага ташланди. Ютуқ ва камчиликлар батафсил таҳлил қилинди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## *Хирмон тўлиб тўкилди дон...*




**Фарғона**

Ўтган йили фарғоналик ғаллакорлар орасида тошлоқликлар олдига тушадигани топилмаганди. Бу йил ҳам улар Фарғона водийсида биринчилардан бўлиб ғалла топшириш шартномавий режасини уддаладилар.

Ҳозирга қадар 12160 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Ҳали далада ҳосил мўл. Бу йил туман ғаллачиликдан 2 миллиард сўм даромад олишни кўзламоқда.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Хоразм**

Боғот тумани ғаллакорлари давлат омборларига 4103 тонна сара дон тўкдилар. Бу кўрсаткич туман ғаллакорларининг меҳнат ғалабасини таъминлади. Етиштирилган мўл ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда "Ўзбекистон", "Тошкент", "Зарбдор" сингари ширкат хўжаликларининг ҳиссаси юқори бўлди.

Айни пайтда ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланмоқда.

**Ойбек РАҲИМ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## *Рақобат кучаймоқда*

**Қашқадарёда уяли алоқа хизматлари кўрсатишга ихтисослашган яна битта оператор — "Skytel" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси фаолият юрита бошлади.**

**Бугунги кунда корхона вилоят маркази ва туманлари аҳолиси ва шу ерда фаолият юритаётган юридик шахсларга замонавий алоқа хизматларидан фойдаланишни таклиф этмоқда. Яқин келажакда "Skytel" қўшма корхонаси ўз хизмати билан вилоятнинг барча ҳудудларини қамраб олиши кутилмоқда.**

**М. ОДИЛОВА,**
**"Туркистон-пресс".**




## АЛЛО, СИЗНИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ

**Ҳурматли газетхонлар!**

*Шу йил 1 августда юз минглаб абитуриентлар тест синовларидан ўтишади, унда олий ўқув юртларига энг муносибдан муносиблари танлаб олинади. Хўш, бу йил қабул бўйича қандай янгиликлар жорий этилмоқда, тест топшириқларида ўзгаришлар борми, касб танлашда йўналиш ва ихтисослашув рўйхатлари кенгайдими ёки сақланиб қолдими? Билимларнинг жиддий синовига қандай тайёргарлик кўрган маъқул? Шу ва шу каби саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз,*

***28 июнь соат 10.00 дан 12.00 гача***

**Давлат тест маркази директори**
**Баҳромжон Маҳмудович ИСМОИЛОВ**
**137-53-89, 135-19-50**

телефонлари орқали сизни эшитади.

**Саволларингизни аввалдан**

133-10-17, 133-38-01 телефонлари орқали беришингиз ёки 136-37-85, 133-48-04 факси ҳамда электрон почта орқали узатишингиз мумкин. Интернетдаги манзилимиз:

**E-mail: xalksuzi@uzpak.uz**

# ШҲТ — хавфсизликнинг муҳим воситаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

ШҲТга аъзо мамлакатларнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш жараёнида иштирок этиш нияти афғон халқи ва ҳукумати учун катта истиқболлар очади, деб таъкидлайди ушбу мамлакат матбуоти. Кобулда нашр қилинадиган “Анис” ва “Эслох” газеталари Тошкент саммитида минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон халқи турмуш даражасини яхшилаш вазифаларини бажариш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинганига эътибор қаратган. Россия, Хитой ва Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати кўрсатадиган ёрдам Афғонистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олдинга силжиш учун имконият яратади. Газеталар мамлакат ўтиш ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзайнинг саммитдаги иштироки, унинг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов билан ўтказган учрашувлари Афғонистон сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини қайд этган.

ШҲТнинг бўлажак президент ва парламент сайловлари арафасида Афғонистон муаммоларига қаратаётган эътибори “Афғонистон ислом жамияти” ва “Афғонистон миллий ассамблеяси” томонидан юксак баҳоланди.

Тошкент саммити ШҲТ фаолиятининг янги босқичини бошлаб берди, десак ҳеч муболаға бўлмайди, дейди Ҳиндистон собиқ бош вазири К.Гужрал. Ўзбекистон ташаббуси билан хавфсизлик кенгаши котибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди, МАТТ фаолият кўрсата бошлади, илк маротаба Афғонистон муаммолари ушбу мамлакат раҳбари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашдаги фаолияти мамлакатнинг минтақадаги сиёсий марказ сифатида эътироф этилишига асос бўлмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон нуфузи юксалиб бораётганидан далолат беради, деб таъкидлайди таниқли ҳинд давлат арбоби.

— ШҲТ уч йиллик фаолият давомида ўзининг яшовчанлигини ва катта салоҳиятга эга эканини намоён этди, турли мамлакатларни замонанинг янги хуружларига қарши кураш йўлида бирлаштирди, — дея эътироф этади Италия ТИВ бош маҳкамаси бошлиғи М.Марсилли. — Ташкилотнинг ривожланиш суръатлари шундан шаҳодат берадики, яқин келажакда халқаро майдонда бутун жаҳон сиёсатига таъсир кўрсатувчи тузилма пайдо бўлиши мумкин, деб хулоса қилади италиялик дипломат.

М.Марсилли, шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт-коммуникация дастурларини амалга ошириш борасидаги интилишларига юқори баҳо берди. Унинг фикрича, бу ШҲТга аъзо мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, ташкилот халқаро мавқеининг юксалишига хизмат қилади.

Кўплаб озарбойжонлик шарҳловчиларнинг якдил фикрига кўра, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, террорчиликка қарши курашдаги ҳамкорликка йўналтирилган қатъий ва собитқадам сиёсат юритаётган Ўзбекистон бу халқаро тузилмада ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, мутахассислар Ўзбекистоннинг бу ташкилотдаги аъзолиги унинг қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишга асосланган миллий хавфсизлик концепциясига тўла мос эканини муҳим омил сифатида эътироф этишмоқда.

**“Жаҳон” АА.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Еврокомиссар ким бўлади?



***Ирландия ҳукумати вакили Европа Иттифоқи етакчилари 29 июнда Еврокомиссия раҳбарини тайинлаш учун йиғилишини маълум қилди. Аммо иттифоқ конституцияси лойиҳаси каби Еврокомиссия раҳбарини ҳам бир овоздан сайлаш етакчилар орасида катта мунозараларга сабаб бўлмоқда.***

***Ирландия бош вазири Берти Ахерн кутилаётган ушбу учрашувда бирор номзод тасдиқланишига умид қилмоқда.***

### Ҳукумат ўз мақсадидан қайтмайди

***“Ал-Жазира” телеканалининг хабар тарқатишича, Ироқда гаровга олинган Жанубий Корея фуқароси Ким Сон Эр жангарилар талаби бажарилмагандан сўнг ўлдирилди. Бу маълумотни Жанубий Корея Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати ҳам тасдиқлади. Телеканал вакилининг сўзларига қараганда, қатл жараёни видеотасмага ёзиб олинган.***

***33 ёшли Ким Сон Эр ўтган ҳафтада гаровга олинганди. Жангарилар бу ҳаракати Жанубий Корея ҳукуматинининг август ойида Ироқдаги ўз қўшинларини кўпайтириш режасини барбод қилишга қаратган эдилар. Жанубий Корея президенти Но Му Хён ҳукумат ўз мақсадидан қайтмаслигини маълум қилди.***

### Расмий айблов эълон қилинмаса-да...

***Баҳрайн ҳукумати мамлакатда олти шахс террорчиликда шубҳаланиб қўлга олинганлигини маълум қилди. Айтилишича, улар қўпорувчилик қилишга тайёргарлик кўраётган эканлар. Маҳаллий полиция вакили ҳибсга олинганлар “Ал-Қоида” ташкилоти билан алоқадор бўлиши мумкинлигига урғу бермоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, адвокат ҳали расмий айблов эълон қилинмаганлигини айтмоқда.***

### Собиқ раҳбар қамоқда

***Франциядаги Vivendi Universal деб номланувчи катта медиа компаниясининг собиқ раҳбари Жан-Мари Мессье қамоққа олинди. Париж полицияси вакилининг сўзларига қараганда, Мессье катта миқдордаги ноқонуний молиявий операцияларни амалга оширганликда айбланмоқда. Айни пайтда компаниянинг собиқ молиявий директори Гийома Аннезонинг ҳам фаолияти кўриб чиқилмоқда.***



***2002 йил июль ойи сўнгида компания акциядорлари талаби билан Жан-Мари Мессье истеъфога чиққан эди.***

### Қонунга ўзгартиш киритилмади

***Беларусь парламенти мухолифат депутатлар томонидан мамлакатнинг сайлов тўғрисидаги қонунига ўзгартириш киритиш борасида илгари сурган таклифини рад этди. Ушбу таклифга 110 депутатдан 71 нафари қарши овоз берган ва бор-йўғи 8 депутат мазкур таклифни қўллаб-қувватлаган.***

***19 кундан бери очлик эълон қилган бир неча депутатлар ўз ҳаракатларини тўхтатдилар. Улар шу йўл орқали қонунга ўзгартириш киритилишига эришмоқчи эдилар. Мамлакат ҳукумати депутатларнинг бу талаби парламентда муҳокама қилинишига розилик билдиргандан сўнг, депутатлар ўз шаштларидан қайтишди.***

### Ҳарбийлар сони қисқаради

***Украина Олий радаси мамлакат қуролли кучларини 2004 йилда 70 минг нафарга қадар қисқартиришни режалаштирувчи қонунни қабул қилди. Айни пайтда Украина Қуролли кучлари сафида 355 минг нафар аскар хизмат қилмоқда. Қонунга биноан шу йилнинг охиригача уларнинг сони анча қисқаради.***

### Қимматбаҳо асар



***Охирги ўн йил давомида Sotheby's аукцион уйида олтмишдан ортиқ рассомларнинг суратлари 111 миллион долларга сотилди. Амедио Модельянинг “Ҳаворанг костюмдаги бола” асари эса ўзининг асл баҳосидан деярли икки баробар қимматга, яъни 11,2 миллион долларга пулланди.***

***Бундан ташқари, Пикассо, Ренуар, Моне, Ван Гог ва бир қатор машҳур рассомларнинг ҳам суратлари аукционга қўйилди ва ўз харидорларини топди.***

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

# Конституция қабул қилинди, баҳслар давом этмоқда

ЕИга аъзо давлатлар етакчилари ниҳоят иттифоқнинг илк Конституциясини қабул қилишди. Ҳужжатнинг маъқулланишида айни пайтда ЕИга раислик қилаётган Ирландиянинг ҳамма томон учун мос келадиган таклифлари муҳим аҳамият касб этди. Аммо Брюсселда имзоланган мазкур ҳужжат атрофидаги мунозаралар ҳамон давом этмоқда.

Хусусан, Британияда мухолифатчилар мазкур ҳужжатни имзолагани учун Тони Блэр ҳукуматини қаттиқ танқид остига олди. Мамлакат Консерватив партияси етакчиси Майкл Ховард ЕИ Конституциясини имзолашга Тони Блэрнинг маънавий ҳақи йўқлигини таъкидлади. Бирлашган Қироллик Мустақил партияси раҳбарларидан бири — Роберт Килрой Силк буни «британиялик сайловчиларга хиёнат» деб баҳолади. Мухолифатчилар Европа Иттифоқига киришдан мамлакат ютқазишини айтишмоқда. Улар Британия ЕИ Конституциясига бўйсунса, мустақилликка путур етиши, мамлакат ўзини ўзи идора қилолмаслигини башорат қилишмоқда. Бундан ташқари, улар мамлакатда иш ўринлари камайиши, аҳоли турмуш тарзининг пасайиши, энг муҳими, демократияга хавф туғилиши мумкинлигини айтишмоқда. Мухолифатчиларнинг бундай чиқишлари оддий фуқароларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўтказилган сўровномаларга қараганда, ҳозир ЕИ Конституциясини аҳолининг 23 фоизигина қўллаб-қувватлаяпти, 49 фоизи эса унга қарши эканини айтишган. «Санди таймс» газетаси ўтказган сўровномалар британияликлар бу масалада тўла тушунчага эга эмаслигини кўрсатди. Газетанинг таъкидлашича, агар Конституция асослари аҳоли ичида тарғиб қилинса, уни бугунги кунда 41 фоиз фуқаро маъқуллаши мумкин.

Британия Бош вазири Тони Блэр ягона Европа тарафдори эканини бот-бот таъкидламоқда. У мухолифатчилар билдираётган фикрлар ҳозирги вазиятга тўғри келмаслигини қайд этди.

Конституция эндиликда ЕИга аъзо барча давлатлар томонидан ратификация қилиниши керак. Шу жумладан, уни британияликлар ҳам маъқуллашлари зарур. Агар Конституция бирор аъзо мамлакатда маъқулланмаса, у қонуний кучга эга бўлмайди. Бунинг учун мамлакатларда референдум ўтказилиши лозим. Британия мухолифатчилари ушбу сиёсий тадбирни тезда ўтказиш тарафдори. Негаки, ҳозир британияликлар янги ҳужжатга танқидий қарашмоқда. Лекин Тони Блэр референдум ўтказишга шошилмаяпти. Унинг айтишича, ҳали британияликлар ЕИ Конституциясининг асл моҳиятини тўлиқ тушуниб етишгани йўқ. Умуман, Бош вазир британияликларга мухолифатчилар илгари сураётган фикрлар асоссизлиги ва ЕИ Конституциясининг имзоланиши Британия учун ҳам, Европа учун ҳам катта ютуқ эканини исботлашга бел боғлаган.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# Хайр, «Скуадри Адзурри»

Португалия италиялик “тиффози”лар кўз ёшига ғарқ бўлди. Жованни Траппатони бошчилигидаги терма жамоа Болгария билан кечган беллашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилишган бўлса-да, “плей-офф”га чиқишга эришолмади.



Бир қатор етакчи футболчиларсиз майдонга тушган болгарияликларга бу ўйин ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, фақат ғалаба қозониш иштиёқида чиқишди. Улар италияликларнинг ҳужумга зўр беришини билиб, ҳимоя тактикасини танлашди. Ўйин муқаддимасидан бирмунча вақт ўтгач, болгарияликлар “ҳаворанг эскадрон”га қарши ҳужумлар уюштиришга киришишди. Италияликларнинг ҳужуми эса оқсай бошлади. Лекин бу баҳснинг натижаси италиялик футболчи Антонио Кассано учун барибир эмасди. Унинг кутилмаган тўп узатишлари болгарларни саросимага солган бўлса, жамоадошлари учун кўпинча кутилмаган бўлиб чиқаверди. Болгарлар биринчи тайм охирида ўтказган ҳужумларидан бирида ҳакам италияликлар дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгилади ва у ҳисобнинг очилиши билан тугади.

Иккинчи таймнинг 3-дақиқасида италияликлар уюштирган ҳужум рақиблар дарвозасининг ишғол қилинишига олиб келди. Аммо дуранг италияликларни қониқтирмасди. Шунинг учун улар ҳужум қилишда давом этдилар. Болгарлар эса ушбу натижани сақлаб қолиш илинжида ҳимояга зўр бердилар. Россиялик рефери Иванов томонидан қўшиб берилган вақтда италияликлар муҳтож бўлиб турган ғалаба тўпини ўша Кассано рақиб дарвозасига йўллади.

Аммо бу ғалаба охир-оқибат “ҳаворанг эскадрон”га маънавий қониқишдан бошқа нарса бермади. Чунки италияликларнинг тақдири Скандинавия дербиси Швеция-Дания учрашувига ҳам боғлиқ эди. Агар улардан бири ғолиб чиқса ёки ўйин 0:0, 1:1 ҳисобида дуранг билан тугасагина италияликлар йўлланмани қўлга киритишарди. Аммо бу ўйинда скандинавияликлар учун мақбул, яъни ушбу икки жамоани кейинги босқичга олиб чиқувчи 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Шундай қилиб гуруҳдан Швеция ва Дания жамоалари “плей офф” ўйинларида қатнашадиган бўлишди.

***Токиода “Япония — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси томонидан Тошкентдаги Алишер Навоий номли театр биноси қурилишида Япония фуқароларининг иштироки тарихига бағишланган китоб нашр этилди.***

## Японияда ўзбек театри ҳақида китоб

Китобнинг дастлабки минг нусхаси Токиодаги “Кенпакуша” нашриётида босмадан чиқди. “Хотиралар. Алишер Навоий театри қурилиши ҳақида ёдномалар. Буюк Ипак йўлида японлар тўғрисида афсона” деб номланган ушбу тўпламда бир гуруҳ японларнинг хотиралари баён этилган.

Хотиралар китоби Японияниг Ўзбекистондаги биринчи элчиси У. Магосаки ва “Япония — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси раиси Н. Шиманинг қутлов сўзлари билан очилади.

Муаллифлар янги китобни архив материаллари ва тарихий фотосуратлар билан мазмунан бойитган ҳолда ўзбек тилида чоп этишни режалаштирмоқда.

**Беруний АЛИМОВ,**
**“Жаҳон” АА,**
Токио.

*Харита*

# Ороллар мамлакати

Индонезия дунёдаги энг йи- рик архипелаг бўлиб, 17000 дан кўпроқ оролни ўз ичига олади. Пойтахти – Жакарта шаҳри. Аҳолиси тахминан 238 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг салкам 88 фоизи мусулмонлардир. Индонезия бугунги кунда Осиё минтақасидаги иқтисодий барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулот 758 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Унинг 15,9 фоизи қишлоқ хўжалиги, 42,1 фоизи саноат ва 42,0 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. ЯИМ аҳоли жон бошига тахминан 3200 АҚШ долларига тенг.

Индонезия давлат ҳокимиятининг олий органи Халқ маслаҳат конгресси ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президентдир.

Мамлакат бой табиий ресурсларга эга. У мустақилликка эришганидан сўнг 1949-1966 йилларда ўз тараққиётида импорт ўрнини босадиган моллар ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратди. Ташқи савдода чеклашларга йўл қўйилиши ва иқтисодиётни бошқаришдаги хатоликлар мамлакатнинг иқтисодий ўсишига катта зарар етказди. Жаҳон Банкининг тахминларига кўра 1958-1965 йиллар мобайнида Индонезиянинг аҳоли жон бошига даромади 15 фоизга камайган. 1965 йилга келиб инфляция 1000 фоизга етди. Бунинг оқибатида юзага келган нотинчликлар туфайли мамлакатда хукумат алмашиши рўй берди.

Янги ҳукумат макроиқтисодий барқарорликни тиклади, миллий валютанинг девалвациясини амалга оширди. Хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш учун кучли ислоҳотлар олиб борди. Чет эл сармояларининг эркин кириб келиши таъминланди ва савдо режими соддалаштирилди. Аммо импорт тариф ставкалари нисбатан баландлигича қолди. Ғарбда таълим олган “Беркли мафияси” номли иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилган макроиқтисодий сиёсат мамлакатда катта ўзгаришлар ясади. Бу ислоҳотлар натижасида 1967-1972 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизга ўсиши кузатилди. Экспортнинг ўсиши ҳам жонланиб, шу давр ичида йилига тахминан 25 фоизни ташкил қилди. Бундан ташқари, чет элнинг молиявий ва сиёсий кўмаги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Чет элликлар олдинига нефть ва газ соҳаларига кучли эътибор беришган бўлса-да, кейинчалик саноатнинг бошқа соҳаларига ҳам маблағ сарфлай бошлади.

1970 йиллардаги нефть ва бошқа асосий товарлар нархларининг ошиши Индонезиядаги иқтисодий ўсишга яна бир туртки бўлди. Нефтни экспорт қилиш орқали давлат даромадларининг ўсиши, унга янада кучлироқ иқтисодий фаолият юритишга имкон берди. Натижада бир неча истиқболли тараққиёт дастурларига асос солинди.

1970 йилларнинг охирларига келиб қашшоқликни камайтириш, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилди. Нефть экспортидан келиб тушган даромад асосан инфратузилма ва оғир саноатни молиялаштиришга ишлатилди. Оқибатда 1973-1981 йилларда ўртача йиллик иқтисодий ўсиш 7,5 фоизга тенг бўлди.

1985 йилда ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Бунда савдони эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантиришга кучли эътибор қаратилди. Валюта девалвация қилинди, савдо чекловлари соддалаштирилди ва пасайтирилди. Бу эса сармоялар ва экспортнинг жадал суръатлар билан ўсишига олиб келди. Нефтдан ташқари экспорт 1985 йилда 10,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 39 миллиард АҚШ долларига етди. Тўғридан-тўғри чет эл сармояларининг оқиб келиши кучайди. Ялпи ички маҳсулот ўсиши йилига ўртача 8 фоизни ташкил этди.

Индонезия 1997 йилда жаҳонда юз берган валюта-молия инқирози, турли сиёсий ва ижтимоий нотинчликларга қарамасдан тезда ўзини тиклаб олди. Яна жадал суръатлар билан ривожланишни бошлади. Хусусан, 1999-2002 йиллар орасида мамлакат иқтисодида йилига 4 фоиздан ўсиш кузатилди.

**Улуғбек МАХМАДИЯРОВ,**
**ЖИДУ магистранти.**

«GARANT MEBEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда
таклиф этади.




Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

**The International Committee of the Red Cross Regional Delegation for Central Asia is recruiting an**

**Assistant to the Head of Cooperation Department**

Main tasks: Under the supervision of the Head of Department, the incumbent will work for the development and implementation of the cooperation programs between the ICRC and the Red Crescent National Societies of Central Asia in the areas of the ICRC mandate.

Requirements:
- *University degree in the humanitarian field. Administration experience needed.*
- *Minimum 2 years of working experience in an NGO, international organization as an assistant with good performances.*
- *Ability to travel throughout Central Asia, driving license with experience necessary.*
- *Excellent written and oral command in English, Russian, Uzbek. Knowledge of French and of any other Central Asian language is an asset.*

The assistant will:
- *Participate in formulating the general and specific objectives, annual plans and budget of the department and then, implement approved activities (under supervision)*
- *Follow the activities of the Red Crescent Societies in accordance with the annual cooperation agreement*
- *Translate and interpret in any situation with accuracy*
- *Draft reports on the department activities (final reports of organized/held events, memos on trips/visits, minutes of meetings, etc.)*
- *Check and submit to the head of department all financial reports of the Red Crescent Societies together with the Cooperation Field Officer*
- *Act for the Head of Department during missions or absence.*

Applicants shall send a CV together with a motivation letter to the ICRC Regional Delegation for Central Asia (P.O.Box 4318 or email: coopns.tac@icrc.org). Please no phone calls. Only short listed candidates will be contacted. The deadline for submitting the application is the 15 July 2004.

*Ишлаб чиқарувчи заводнинг Тошкентдаги расмий дистрибьютори ўз омборхонасидан “НАРА” русумидаги*
ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИНИ (НАРА 28-16, НАРА 42-16) СОТАДИ




Тўлов хоҳлаган усулда.
Мурожаат учун: тел: (99871) 144-28-44, факс:(99871)144-28-28

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги «ШАХСТРАНС-СЕРВИС» ОАЖи акционерларининг умумий мажлиси қарорига асосан «ШАХСТРАНС-СЕРВИС» ёпиқ акционерлик жамиятига ўзгартирилди. Код ОКОНХ 51410.
Маълумот учун телефон 74-91-52. Манзил: Тошкент ш., А. Икромов тумани, Уйғур кўчаси, 487 «а» уй.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

# Тилсиз ёвнинг йўли тўсилди



*Ҳодиса*

«Ангрен-Тошкент» йўналиши бўйича «Икарус» автобусида кетаётган эдик. Бир маромда рулни бошқариб бораётган ҳайдовчи тахминан 18-километрга етганда, узоқдан худди тумандай йўлни қоплай бошлаган тутунни кўриб, автобусни секинлатди. Тутун ичида милиция либосидаги икки кишининг «Ёрдам берингглар» маъносидаги ишорасини англаб, тормозни босди.

Ҳайдовчи Нишонбой Ҳошимов ва ёрдамчи ҳайдовчи Рўзибой Мавлонов зудлик билан пастга тушиб, аҳволни билгач, йўловчиларга юзланишди:

— Экинзорга ўт кетибди, ёрдам берворайлик...

Ҳаёт тажрибаси кўп бўлган кексароқ отахонлар автобусдан биринчи бўлиб тушишди, кейин аёллар, сўнг пўрим кийимлари қай аҳволга келишини ўйлаб, сал иккиланиб турган йигитлар кўмакка етиб бордилар. Бир зумда барчанинг фикру ўйи йўл четидан бошланиб, тобора ғаллазор томон ўрлаётган оловни ўчириш билан банд бўлиб қолди: бировнинг қўлида узун ёғоч — ғаллазорнинг ичига тушиб олиб, чирсиллаб ёна бошлаган ниҳолларни савалаб, олов тилини орқага қайтарар, кимдир кафтлаб қум ва тупроқ сочар, кимдир йўл учун олиб қўйган елим идишдаги сувни олиб келиб сочар, яна кимдир челак топиб, яқинроқдаги ариқни изларди...

Шу атрофдаги уватда ўт ўриб юрган боланинг қишлоқ ёшларига хос жасурлик билан олов йўлини тўсиши, айниқса, ҳаммани руҳлантириб юборди. Хуллас, кўпчиликнинг саъй-ҳаракати туфайли, қисқа вақт ичида ғаллазорни ямламай ютишга тайёр турган ёнғиннинг олди олинди.

— Бу ерлар «Иик-ота» ширкат хўжалигига қарайди, — деди бояғина йўловчиларни шошилинч ёрдамга чақирган милиция майори Анвар Кафизов. — Биз шу ҳудудда хизматда эдик. Йўловчи машиналардан бирининг ҳайдовчиси катта йўл четидаги майсалар тутаётганини, ёнғин бошланиши мумкинлигини бизга хабар қилди. Хизматдошим, милиция сержанти Шариф Тўйчиев билан шу заҳотиёқ бу ерга етиб келиб, дастлабки чора сифатида йўловчи машиналарни тўхтата бошладик. Бахтимизга «Икарус» ҳайдовчилари вазиятни тўғри англашди ва ўзлари бош бўлиб, йўловчилар билан биргаликда содир бўлиши мумкин бўлган катта хавфнинг олдини олишди. Уларнинг беминнат ёрдами натижасида ризқ-рўзимиз бўлган қанча ҳосилни сақлаб қолдик.

Дастлабки тахминларга кўра, қайсидир лоқайд йўловчи сигарет қолдиғини машинадан ирғитган ва оқибатда асфальт йўл четидаги қуруқ майса-ўтлар секин-аста тутаб, ёна бошлаган. Пировардида шундоққина йўл четидан бошланган ғаллазор хавф остида қолган. Деҳқончилик сир-асрорларидан хабардор бўлган йўловчи отахонлардан бири тўғри айтди: «Бунақанги йўлга яқин ғаллазорларда, албатта, культиваторлар ёрдамида бир-икки қатор ҳимоя чизиқлари тортиб чиқилиши керак. Агар шундай қилинганида, асфальт йўл четидаги тасодифий олов ўрим арафасидаги ғаллага зиён етказолмасди».

Ҳақ гап. Айни кунларда ҳамма жойда ғалла ўрим-йиғими жадал давом этаяпти. Биз ҳикоя қилган воқеа эса ғалла иши фақат деҳқоннинг ёки раҳбарнинг вазифаси эмаслигини, бу борада ҳамма — йўловчи ҳам, милиция ходими ҳам, оддий фуқаролар ҳам баб-баравар огоҳ бўлишлари кераклигини эсдан чиқармасликнинг бир ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Зеро, ўзимиз яратган ризқ-рўзни асраш ҳам, лозим бўлганда, инсоний бурчга садоқатни намойиш этиш ҳам ватанпарварликдир.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**
**журналист.**

## Шахмат фестивали

Тошкентдаги шахмат-шашка клубида анъанавий аёллар шахмат фестивали бўлиб ўтмоқда. Иккинчи марта ташкил этилган ушбу фестивалда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан ташриф буюрган 37 нафар шахматчи иштирок этишмоқда. Шахматчилар фестивалда швейцарча усулда тўққиз турда куч синашадилар. Эслатиб ўтамиз, ушбу фестивалда биринчи ўринни қўлга киритган шахматчи Испанияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Тошпўлат ХОЛИҚОВ.**


Турли қувватга эга бўлган тегирмон ускуналари ҳамда эҳтиёт қисмларини завод нархларида етказиб берамиз.
Сервис хизмати билан таъминлаймиз.
144-45-58
155-43-93
Товар сертификатланган



«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» СОТИЛАДИ
«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.
Товар сертификатланган
191-03-80, 191-10-43.
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.


# ОАЖ шаклидаги «Косон ёғ-экстракция» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг

## 2004 йил 28 майдаги навбатдаги умумий йиғилиши ҳақида маълумот

1. Умумий йиғилиш тури — **навбатдаги умумий йиғилиш.**
2. Умумий йиғилиш ўтказиш шакли — **очиқ.**
3. Умумий йиғилиш ўтказилган сана — **2004 йил 28 май.**
4. Умумий йиғилиш ўтказилган жой — **корхонанинг мажлислар зали.**
5. Жамият устав фонди — **150306,2 м.с.**
6. Овоз берувчи акциялар сони — **671703 дона.**
7. Умумий йиғилиш кворуми — **84,9%.**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан қуйидагича қарор қилади:**

***1. Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан:***
1.1. Жамият бошқарувининг 2003 йил молия-хўжалик йили якунлари бўйича фаолияти қониқарли баҳолансин ва ҳисоботи тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***2. Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан:***
2.1. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***3. Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан:***
3.1. Кузатув кенгашининг 2003 йилдаги қарорлари тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***4. Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан:***
4.1. 2003 йил бўйича аудитор хулосаси тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***5. Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан:***
5.1. 2003 йил учун бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***6. Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан:***
6.1. Жамият бошқарувининг раиси билан тузилган меҳнат шартномаси 1 (бир) йилга узайтирилсин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***7. Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан:***
7.1. 2003 йил натижалари бўйича дивиденд берилмасин: *«розилар» — 399424, «қаршилар» — 170802, «бетарафлар» — йўқ.*
7.2. 2003 йил натижалари бўйича олинган соф фойда жамият айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилсин: *«розилар» — 399424, «қаршилар» — 170802, «бетарафлар» — йўқ.*

***8. Кун тартибининг саккизинчи масаласи юзасидан:***
8.1. 2004 йил учун жамиятнинг бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***9. Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан:***
9.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайланган деб ҳисоблансин:
- *Туляганов Файзулло Абдуллаевич — 199748 та овоз;*
- *Сапаев Бахром Меҳмонович — 197597 та овоз;*
- *Исаков Ёқубжон Боқижонович — 172881 та овоз.*

***10. Кун тартибининг ўнинчи масаласи юзасидан:***
10.1. Жамият бошқаруви қуйидаги таркибда сайланган деб ҳисоблансин:
- *Бозоров М.Н. — бошқарув раиси;*
- *Абдуллаев Х.Б. — раис муовини;*
- *Даминов М. — раис муовини;*
- *Эгамбердиев Б. — бош муҳандис;*
- *Ғиёсов И.Б. — бош ҳисобчи.*

*«Розилар» — 570226 та, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***11. Кун тартибининг ўн биринчи масаласи юзасидан:***
11.1. 2004 йил учун жамият аудитори этиб МЧЖ шаклидаги «Koson-Audit» аудиторлик фирмаси (А.К.Равшанов) тасдиқлансин: *«розилар» — 570226, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

***12. Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи юзасидан:***
12.1. Кузатув кенгаши, тафтиш ҳамда саноқ комиссияси аъзоларини тақдирлашнинг қуйидаги миқдорлари тасдиқлансин:
- *кузатув кенгашига — 1820,0 минг сўм;*
- *тафтиш комиссиясига — 182,0 минг сўм;*
- *саноқ комиссиясига — 182,0 минг сўм.*

*«Розилар» — 570226 та, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*

12.2. Кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлаш тўғрисидаги низом тасдиқлансин: *«розилар» — 570226 та, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.*
12.3. Янги сайланган кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлашнинг қуйидаги миқдорлари тасдиқлансин: ҳар ойда мунтазам равишда жамият бошқаруви раиси ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида, йил натижаларига кўра жамият соф фойдасининг 1 (бир) фоизи миқдорида: «розилар» — 570226 та, «қаршилар» ва «бетарафлар» — йўқ.

***13. Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан:***
13.1. Жамият балансидаги фаолият кўрсатмаётган сув қадоқлаш цехи, зарар билан ишлаётган ёрдамчи хўжалик ҳамда «Нексия» русумли енгил автомашинаси сотилсин ва сотилаётган мол-мулкларнинг бозор қийматини аниқлаш вазифаси кузатув кенгашига топширилсин: «розилар» — 399424 та, «қаршилар» — йўқ, «бетарафлар» — 170802 та.

9375R/1454


ESENYA
Қурилиш-инжиниринг фирмаси
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland











700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.



Қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон ва чорва хўжаликлари раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ШАКЛИДАГИ
«РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР БАЗАСИ»
қуйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади.
1. Қишлоқ хўжалик шиналари:
- 13.6х38 — 189 200 сўм;
- 15.5х38 — 212 300 сўм;
- 9.00х16 — 65 000 сўм;
- 9.5х42 — 146 200 сўм;
- 720/665 ФД — 650 000 сўм.
2. Тракторлар (Минск трактор заводи — МТЗ):
- МТЗ - 80.1.57 — 17 500 000 сўм;
- МТЗ - 82.1.57 — 17 750 000 сўм.
3. Дизелли трактор двигателлари:
- Д - 243 - 202 — 2 800 000 сўм.
Маҳсулотлар сертификатланган. Мурожаат учун телефонлар: 41-38-80, 132-12-04, факс: 132-11-06.


*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**
**Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш**
**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**
**қуйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:**

***Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази 2-босқич қурилиши» объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.***

***ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ — 2004 йил 25 ноябрь.***
***БУЮРТМАЧИ — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.***
***Телефонлар: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.***
***Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.**

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «VIS AGRO» Бошқарув компанияси жамият қатнашчиларининг 2004 йил 18 июндаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, Жамият низом жамғармаси 366.792.144,0 сўмдан 313.692.144,0 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.**

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Тошкент халқаро радиоси» бошқармаси жамоаси инглиз тили бўйича олий тоифали диктор Лола Ҳошимовага волидаи муҳтарамаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Ноила Мирза қизи ҲОШИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ахборотлар технологияси кафедраси катта ўқитувчиси Нигора Самигжановага падари бузруквори

**ЗОҲИД отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 3 4 5 6